



POSTDA



O'zbekiston Respublikasi
IIV nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqqa boshlagan • E-mail: postda08@umail.uz • 2015-yil 14-noyabr, shanba • № 46(4147)

18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси
Давлат байроғи қабул қилинган кун

МАНГУ ҲИЛПИРАЙВЕР, ЮРТИМ БАЙРОҒИ!

Ўн саккиз минг олам ичра бино бўлган тимсолларнинг ҳар бири ўзига хос маъно-мазмунга эга. Агар улар давлат рамзига айланса, аҳамияти янада ошади. Зотан, давлат рамзлари давлат ва жамият иродаси, мақсади, интилишларини умумтушунарли тасвирлар воситасида ифодалайди...



Давлат рамзларининг муҳим хусусияти шундаки, улар инсоннинг нафақат ақлига, балки ҳиссиётларига ҳам таъсир этади. Рамзлар инсонлар хулқ-ат-

ворини бошқарадиган, уни йўналтирувчи кучли мафкуравий воситага айланади. Давлат рамзларидаги тасвирлар мазмуни фуқароларда халқ ва давлат

ирода-мақсадларига нисбатан ҳурмат, қадрлаш ҳисларини шакллантириб, уларни ягона байроқ ҳамда мақсад йўлида жипслаштириш, миллий мақсадларни амалга оширишга йўналтириш, обод ва озод Ватан, фаровон жамият қуриш йўлидан эргаштириш учун хизмат қилади.

Давлат идоралари биноси устида ҳилпираб турган Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ёки Давлат гербини кўрган ёхуд спортчиларимизнинг халқаро майдонлардаги ғалабалари шарафига янграган Давлат мадҳиясини тинглаган ҳар бир ватандошимиз қалби гурурга тўлади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
қабул қилинганлигининг 23 йиллиги олдидан

Асосий Қонунимизда «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи асосланади», деган конституциявий норманинг мустақамланиши истиқлол йилларида мамлакатимиз суд ҳокимияти органларининг фаолиятини тубдан ислоҳ қилишга ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилди.



СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Маълумки, суд ҳокимияти давлат органлари тизимида алоҳида аҳамият касб этади. Суд ҳокимиятининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бевосита дахлдор бўлиб, одил судловни амалга ошириш фаолияти натижасида шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади. Айнан шунинг учун ҳам мамлакатимиз Конституциясининг 106-моддасида «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашма-

ларидан мустақил ҳолда иш юритади», деб белгиланган.

Суд ҳокимияти ҳуқуқий мақомининг конституциявий белгиланиши замирида фуқароларга нисбатан судловни амалга оширишда ўзбошимчалikka йўл қўймаслик, ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатини яратиш, шунингдек, фуқароларга нисбатан чиқарилган ҳукм ва қарор юзасидан шикоят қилишлари учун имконият яратиш ҳамда судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқий ҳолатини мустақамлаш ётади.

(Давоми 5-бетда).

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили



ДОИМО ҲУРМАТ-ЭЪТИБОРДА

Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос қадриятлардан. Чунки уларнинг бой ва ҳаётий тажрибалари ёш авлод учун ҳамиша ибрат мактаби бўлиб келган.

Ички ишлар идоралари тизимида ҳам фаришлар ҳар доим ўзларининг ҳаётий тажрибаларини ёшларга ўргатиб, уларга зарур йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бериб келаяпти. Бу ёш ходимларнинг соҳага оид билим ва дунёқа-

рашларини оширишдан ташқари, жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилганларини фош этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Транспортдаги ИИБ ЖК ва ТҚКБ бошлиғи лавозимида узоқ йиллар самарали хизмат қилган

истеъфодаги полковник Марс Касимовни ҳам кўпинча ёшлар даврасида учратасиз. У кишининг шогирдлари бугунги кунда устози изидан бориб, эл-юрт тинчлиги, осойишталигини таъминлашдек шарафли вазифани бажаришмоқда.

— Ватанимизнинг тинчлигига кўз тегмасин, — дейди М. Касимов. — Осойишталик бор жойда эзгу анъаналар бардавом бўлаверади. Шу маънода вазирлик ва бошқарма раҳбарияти-

нинг биз, кексаларга кўрсатаётган эътиборидан жуда мамнунмиз. Жорий йилнинг Юртбошимиз ташаббуси билан «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилингани, айниқса, мана шу асрий қадриятларнинг боқийлигидан дарак беради, десак муболаға эмас. Фақат байрам ёки тантаналарда эмас, бошқа пайтларда ҳам фаришларни йўқлаб туришгани кўнглимизни тоғдек кўтараяпти.

Бугунги кунда турмуш ўртоғи билан фарзанду набиралари қуршовида кексалик гаштини сурраётган лавҳамиз қаҳрамони ҳамон фойдали насихатлари, тажрибалари билан юрт тинчлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаяпти.

— Юртимиз осойишталигини асраш фақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг эмас, ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Шу боис барчамиздан доимо хушёр, сергак бўлиш талаб этилади. Оилаларимизда хотиржамлик бўлса, фарзандларимиз Ватан равнақи, тинчлиги ва тараққиётига муносиб ҳисса қўшаверади, — дейди лавҳамиз қаҳрамони.

Шерзод АБДУСАМADOV.
Абу КЕНЖАЕВ
олган сурат.

Диққат:
«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»

ТАДБИРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИНГ

Азиз ватандошлар!

Маълумки, қиш фаслида иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёж бирмунча ортиб, электр ва газ жиҳозларидан фойдаланиш кўпаяди. Айрим фуқароларнинг иситиш мосламаларидан эҳтиётсизлик билан фойдаланиши ёнғин хавфининг ошишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, уй-жой фондиди ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида



Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабрига қадар республика миқёсида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади.

Ҳурматли ҳамюртлар, сизлардан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу тадбирда фаол иштирок этишингизни сўраймиз. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш орқали нафақат тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкнингизни, уй жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» доирасидаги тадбирларда фаол иштирок этган юртдошларимизга олдидан миннатдорлик билдирамиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси.

▼ Туйғу

**ВАТАН – ЖОНИМ,
ВАТАН – ШОНИМ!**

Мен дунё тамаддунига бешик бўлган юрт фарзандиман. Бугун тарққиёт сари дадил одимлаётган мустақил диёрнинг бахтли қизиман. Бундан қалбимда чексиз фахр, ифтихор ҳиссини туяман. Зеро, Ватан – менинг жоним, Ватан – менинг шоним, шавкатимдир.

Ҳар тонг уйқудан кўз очганимда мусаффо осмонни кўриб қувонаман. Шодон кайфиятда ишга отланаман. Мен танлаган касб она халқим осойишталигини ҳимоя қилиш, юртим тинчлигини, барқарорлигини таъминлашдек хайрли ишга қаратилган. Касбимни севаман, ундан фахрланаман. Негаки, юрт тинчлигини асрашдан буюқроқ иш, улугроқ шараф бўлмаса керак, жаҳонда. Айниқса, дунёнинг турли минтақаларида, мамлакатларида урушлар, талотўплар, келишмовчиликлар тобора авж олаётган ҳозирги таҳликали ва мураккаб бир замонда осойишталигимизни асраётган ўғлонларга таъзим қиламан.

Бугун ҳаммамиз оммавий ахборот воситалари орқали ўқиб, эшитиб, кўриб гувоҳи бўляпмиз: бир қатор давлатларда нотинчлик ҳукм сурмоқда. Ушбу юртларда одамлар кўрқув ва хавотирда яшяпти, уларнинг истиқ-

болдан умидлари узилган, эртанги куни, келажаги шафқатсиз тақдирнинг қўлида. Ана шундай пайтда юртимиздаги тинч ва осойишта, фаровон ҳаётнинг қадрини янада яққолроқ билинади. Ана шундай пайтда турли диний-экстремистик гуруҳларнинг тузоғига илинган айрим юртдошларимиз томонидан қилинаётган хатти-ҳаракатлар кўнгилга таассуф солади. Наҳотки, улар ота-оналари, яқинларининг талотўплар ичида яшашини, тонг отишини кўрқув билан, хавотир билан кутишларини исташса?!

Ҳар тонг кўнглимда фараҳ билан уйғонаман. Иш жойимга бутун вужудим билан талпинаман. У ерда мени кутадиган қалби юрт ишқиди ёнган меҳридарё касбдошларим бор. Ҳарбий либослари кўркам бўй-бастига ярашган курсантларни, қатъиятли, шижоатли, эл-юрт корига камарбаста аскарларни кўрганимда дилим гурур ва ишончга тўлади. Ватанимиз тинчлиги ишончли кўлларда, бизни ҳеч ким, ҳеч қачон енга олмайди. Зеро, ватанфурш, ожиз кимсаларнинг пуч госялари, бесамар хатти-ҳаракатлари менинг ҳарбий ҳамкасбларим шахди-шиддати олдида бир зарра кабидир.

Камола АБАЗОВА.



Маданий ҳордиқ

**ХОДИМЛАР
МАЪНАВИЯТ МАСКАНИДА**

Маҳмудхўжа Бехбудий театрга ибратхона дея таъриф берган. Дарҳақиқат, инсон маънавиятини бойитиш, дунёқарашини кенгайтиришда ушбу масканнинг тутган ўрни беқиёс. Бугунги кунда пойтахтимиз театрларида намойиш этилаётган турли мавзулардаги спектакллар ҳам миллий урф-одат ва қадриятларимизни улуғлаш, меҳр-оқибат, ватанпарварлик, мардлик каби юксак инсоний фазилатларни тарғиб этишга, маънавиятимизни янада юксалтиришга хизмат қилляпти. Қолаверса, кишиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, мириқиб ҳордиқ чиқаришларига ҳам ўз ҳиссасини кўшмоқда.



Яқинда республика ИИБ Марказий аппарати шахсий таркиби Ўзбек Миллий академик театрига ташриф буюрди. Осойишталик посбонлари эътиборига таниқли драматург Эркин Хушвақтов қаламига мансуб «Сизсиз ўтмас кунларим» номли спектакль намойиш этилди.

Асарда турмуш курганига бир неча йил бўлсада, ҳали фарзанд кўрмаган эр-хотиннинг изтироблари саҳналаштирилган. Асар қаҳрамони Исмомилхон (Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Фатхулла Маъсудов) турмуш ўртоғини бениҳоя севади. Набира кўриш орзусида ўртанаётган ота-она эса эр-хотинга ажрашишни айтади.

Ўғил таклифни рад этгач, оилада бир қанча можаролар бўлиб ўтади.

Спектаклда меҳр-муҳаббат, садоқат, вафо, оилапарварлик каби туйғулар улуғланади. Саҳна асари ота-онага ҳурмат, оиланинг муқаддас эканлигини, унинг мустаҳкамлигини асраш, ёрга садоқат каби сифатларни янада кучайтиради.

Мазкур спектакль осойишталик посбонларининг маданий ҳордиқ чиқаришига имкон берибгина қолмай, балки чуқур мушоҳада қилишга, фалсафий фикрлашга ундади десак, муболаға бўлмайди.

Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ,
сержант.



Суратларда: спектаклдан лавҳалар.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

Худди шу каби маданий тадбир Фарғона шаҳридаги Театр ва концерт саройида ҳам уюштирилди. Унда вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби, мустақил бўлим ҳамда соҳавий хизматлар, Фарғона, Марғилон, Қувасой шаҳарлари, Қўштепа, Фарғона туманлари ИИБ ходимлари иштирок этди.

Ш. Ҳамдамов асари асосида саҳналаштирилган «Асл хазина» номли спектакль пойтахтдан ташриф буюрган бир гуруҳ таниқли актёрлар томонидан моҳирона ижро этилди.

– Ушбу саҳна асарида ҳаётимизда учрайдиган айрим салбий иллатлар, воқеалар, оилавий муносабатлар, инсонга хос турли хусусиятлар моҳирона талқин этилибди, – дейди вилоят ИИБ ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари, майор А. Умаров. – Ўйлайманки, спектакль барчамиз учун маънавий озуқа бўлиб, ҳаёт ҳақида теран фикрлашга ундайди. Шундай тадбирлар, спектакль намойишлари тез-тез ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Абдувосит СИДДИҚОВ.

▶ ОБУНА — 2016

**АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги нашрлари – «POSTDA», «НА ПОСТУ» газеталари ҳамда «QALQON», «ШИТ» журналларига 2016 йилнинг биринчи ярми учун обуна давом этмоқда.

**ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!
КЕЧИКИБ, АРМОНДА ҚОЛМАНГ!**

Обуна бўйича қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:
(0371) 231-48-81, (+99895)177-32-31

О‘ЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ИВ БИРЛАШГАН
ТАХРИРИЯТИ

MUASSIS:
О‘ЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР
VAZIRLIGI

Bosh muharrir o‘rinbosari –
Qobiljon SHOKIROV
Mas‘ul kotib v.b. –
Zokir BOLTAYEV
Navbatchi –
Furqat G‘AYBULLAYEV
Sahifalovchi –
Rustam ISOQULOV
Matn ko‘chiruvchi –
Gulnora SODIQOVA

TELEFONLAR:
231-47-82;
Faks: 254-18-79.



Tahririyat
hisob raqami
20210000900447980001,
MFO 00420.
ATIB
«Ipotekabank»
Mirobod
tuman bo‘limi.
INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo‘lyozma
va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko‘chirib bosil-
ganda «Postda»dan olinganligi
ko‘rsatilishi shart.

«O‘zbekiston» nashriyot-matbaa
ijodiy uyi bosmaxonasida chop
etiladi. Korxonaning manzili: Alisher
Navoiy ko‘chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuni chiqadi.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro‘yxatga olingan. Buyurtma №S-4398. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 69520 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakkartaftibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 22.00. Bosishga topshirildi – 21.00. Sotuvda kelishilgan narxda.

**MANZILIMIZ: 100070, Toshkent shahri,
Shota Rustaveli 1-berk ko‘chasi, 1-uy.**